

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛИБЕКОВ ДАВРОН АБДУРАКИБОВИЧ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации (PhD) доктора философии

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Алибеков Даврон Абдуракибович

Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг

ижтимоий-фалсафий хусусиятлари..... 3

Алибеков Даврон Абдуракибович

Социально-философские особенности инновационного

развития системы образования.....21

Alibekov Davron Abdurakibovich

Socio-philosophical properties of the innovative development

of the education system 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛИБЕКОВ ДАВРОН АБДУРАКИБОВИЧ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fal459 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саитқосимов Акбар Исахонович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Яздонов Улуғбек Тошмуродович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Юлдашев Рустам Даниёрович
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа.ф.б фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юзага келган глобаллашув жараёнлари бевосита таълим, фан ва маърифат интеграциясини тақозо қилмоқда. Бу жараёнда инновацион билимлар ва технологиялар натижалари салмоқли бўлиб, жамият ва инсон фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, таълим муҳим ижтимоий институт сифатида XXI аср дунё ҳамжамиятида ўсиб бораётган таракқиёт хусусиятларининг манфаатли тизимга, ривожланиш тенденцияларига туртки берадиган, инсоннинг жамиятга чуқур ижтимоийлашуви ва иқтисодий жараёнларни зарурий билимлар билан қуроллантирадиган инновацион моделини яратиш кераклигини кўрсатмоқда.

Жаҳон илм-фанида сўнгги йилларда таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, таълим тизимини модернизация қилиш ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий омиллари, технологиялари, инновацион ривожли бўйича олиб борилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги кунда глобал иқтисодиётдаги ўзгаришлар таълим тизимини модернизациялашга бўлган катта эҳтиёжларни келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан, таълим тизими ва унинг муассасаларини кенг қамровли равишда ислоҳ қилиш, унинг замирида инсон капиталини янги сифатий даражаларини вужудга келтириш ҳамда уни жамият ижтимоий ривожланиш кўламига юқори ижобий натижа берадиган феноменга айлантириш масаласи илмий жамоатчиликнинг тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳатлар негизда таълим тизимини ривожлантириш алоҳида ўрин тутмоқда. “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик”¹. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон таълим маконига интеграция қилишда жамиятимизда азалдан мавжуд бўлган ва ислоҳотлар эвазига такомиллашиб бораётган юксак маънавий ва интеллектуал салоҳиятни қўллаб-қувватлаш, келажак учун янги замонавий инновацион жараёнлар шаклланишида ўрнини юксалтириш технологиялари, усул ва воситаларини тадқиқ қилиш зарурияти келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25 январь - №19 (7521).

ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мавзуга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимга оид илк фалсафий қарашлар Аристотель ва Платон асарларида акс этган бўлса, кейинчалик Г.Гегель², В.Гумбольдт, И.Кант ва Ж.Руссо каби олимларнинг ишларида давом эттирилган.

Ижтимоий ҳаётда таълим-тарбиянинг ўрни, жамият маънавияти ва маърифати борасидаги фикрлар ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари ва сиёсат арбоблари Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Бобур, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Низомулмулк, Ибн Сино, Форобий, Юсуф Хос Ҳожибларнинг қарашларида акс этган.

Классик социологлар П.Бурдьё, Э.Дюркгейм, Г.Спенсер, П.Сорокинлар даврида таълим моҳиятини ижтимоий англашнинг янги босқичи бошланган.

Таълим тизимини такомиллаштириш масалаларини хорижий давлат тадқиқотчилари Ф.Альтбах, П.Згага, Ф.Кессиди, А.Козминск, Я.Садлак ҳамда П.Скоттнинг илмий ишларида соҳани модернизация қилиш бўйича бир қанча йўналишлар белгилаб берилган.

Бундан ташқари, таълим соҳасини ислоҳ қилиш муаммолари МДҲ илмий доиралари вакиллари О.Боев, Е.Добренёва³, Н.Жалнина, В.Жигунов, М.Рачилина, В.Сенашенко, Н.Фролов, В.Чистохвалов, А.Чучалин каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида очиқ берилган.

Бундан ташқари, ушбу йўналишда яна бир қатор олимлар Г.Ашин, В.Вахштайн, Т.Козочкина, Д.Константиновский, Д.Куракин, М.Шишкинлар ҳам илмий тадқиқотлар олиб борган бўлиб, улар умумий ўрта таълим тизими сифатини ошириш учун дифференциал ёндашувни илгари суришган.

Шунингдек, МДҲ олимларидан В.Демкин, В.Долгова, И.Лазаренко, В.Миронов, С.Наумов, А.Усольцев каби олимлар таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий ва фалсафий омиллари борасида изланишлар олиб борган.

Ўзбекистонда таълим тизимини тадқиқ қилиш технологиялари ва инновацион ривожи юзасидан А.Абдулазизов, С.Ашурова, Д.Мухамедова,

² Гегель Г.. Энциклопедия философских наук: в 3 т. - Москва, Мысль, 1974.

³ Добренёва Е. Социологическое образование в России. - Москва, Академический проект, 2009.

Ф.Тўрабеков, Т.Хатамов, Ш.Шариповларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда жамиятнинг муҳим тармоғи таълим тизимини ривожлантиришнинг ижтимоий ва фалсафий хусусиятлари борасида М.Бекмуродов, М.Жакбаров, Р.Жумаев, Н.Жўраев, С.Жўраев, С.Каримов, А.Муминов, Қ.Назаров, С.Отамуродов, А.Саитқосимов⁴, А.Холбеков, С.Шермухаммедов⁵, И.Эргашев, А.Эркаев, Ж.Яхшилик, М.Қуроно, В.Қўчқоров сингари олимларимиз турли изланишлар олиб боришган.

Таълим тизимига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг таҳлилига кўра, соҳани инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги аниқланди. Шу боис, диссертация ишида асосий эътибор таълимни тизим сифатида инновацион ривожлантириш масаласини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этишга қаратилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” номли 57-11/78 рақамли амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Янги Ўзбекистон шароитида таълим тизимини инновацион ривожлантириш қонуниятларини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълимнинг генезиси, эволюцияси, ижтимоий табиати ва умуминсоний характерини ўрганиш;

таълим жараёнини инсон тақомилига мўлжалланган хусусиятларини назарий-фалсафий жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш;

таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг қонуниятлари ижтимоий-фалсафий хусусиятлари, инновацион ёндашувга асосланган таълим стратегиясининг фалсафий асосларини кўрсатиб бериш;

таълим жараёнини инновацион ривожлантириш тенденциялари ва субстанционал негизларини очиқ бериш;

таълим тизимида инновацияларни жорий этишда мавжуд муаммолар, салбий омиллар ва уларнинг соҳа барқарор ривожланишига таъсирини ўрганиш;

таълим тизимини инновацион ривожлантиришни таъминлашнинг тизимлари ва механизмлари, соҳани барқарор ривожлантиришда инновацион технологиялар, услублар ва воситаларни ёритиш.

⁴ Саитқосимов А. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. –Тошкент, Тафаккур, 2019.

⁵ Шермухаммедов С. Истиклол куёши. –Тошкент: Ma'rifat-Madadkor, 2002.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълим тизимини инновацион ривожлантиришдаги қонуниятлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг қонуниятларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимлилик, тарихийлик, мантиқийлик, синергетик, анализ ва синтез, эмпирик-социологик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш каби илмий билиш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маданий, ижтимоий ва шахсга йўналтирилган изчил инновацион таълимнинг барқарорлаштирувчи, уйғунлаштирувчи ва баҳоловчи фалсафий мезонлари, тарихий тажриба, одоб-ахлоқ, маънавий эҳтиёж каби субстанционал негизлари ҳамда таълим соҳаси инфратузилмаларини такомиллаштиришнинг замонавий эпистемологик асослари очиб берилган;

таълим тизими ривожланишига тўсиқ бўлаётган пассивлик, лоқайдлик ва боқимандалик билан боғлиқ перманент муаммоларни бартараф этишда “шахс-оила-таълим” тизими бирлигини объектив воқеликдан келиб чиққан ҳолда янги давр характериға мослаштириш зарурияти мантиқий далилланган;

ижтимоий-илмий амалиётда креатив тафаккур, янгича дунёқараш, замонавийлик ва натижадорликка асосланган илмийлик, изчиллик, узвийлик каби ментал хусусиятларини миллий юксалиш билан уйғунлигини таъминлашнинг конструктив (бунёдкорлик) аҳамияти аниқланган;

инновацион шахсни тарбиялашнинг информацион, коммуникацион ва цивилизацияга оид позитив тенденциялари контекстида замонавий таълимнинг услубий, технологик, тизимли ва функционал тамойиллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш шароитида таълим тизимини инновацион асосда ривожлантириш, модернизациялаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

таълим тизимини ислоҳ қилиш қилишда соҳага оид муаммоларни ҳал этиш, замонавий таълим хусусиятларини аниқлашда инновацион ёндашувлар ишлаб чиқилган;

таълим тизимини инновацион ривожлантириш ва модернизациялаш жараёнида янги замонавий таълимий инфратузилмаларнинг аҳамияти кўрсатилган;

соҳага оид меъёрий ҳужжатлар, “Ҳаракатлар стратегияси”да таълим тизимини ривожлантиришда кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда инновацион ёндашувларни қўллаш юзасидан таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Маҳаллий, республика ва халқаро даражадаги илмий конференциялар тўпламлари ва ОАК рўйхатиға киритилган хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар тўғрисидаги тақриз, хулосалар, ишлаб чиқилган тегишли таклиф ва тавсияларнинг жорий этилгани, олинган натижаларнинг тааллуқли идора ва ташкилотлар томонидан тасдиқлаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамиятнинг муҳим тармоғи таълим тизимини инновацион ривожлантириш хусусиятлари ижтимоий фалсафий жиҳатдан илмий таҳлил этилганлиги ҳамда илгари сурилган концептуал ғоялардан фалсафа, социология, сиёсатшунослик, фуқаролик жамияти асослари, миллий ғоя, педагогика фанлари бўйича методологик ёндашувларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар давлат ва нодавлат таълим тизими тузилмалари, таълим инфратузилмалари, оила ва маҳалла институти, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда олий таълим тизимида мавзуга доир дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

маданий, ижтимоий ва шахсга йўналтирилган изчил инновацион таълимнинг фалсафий мезонлари, субстанционал негизлари ва соҳа инфратузилмаларини такомиллаштиришнинг релевант методологик асосларига оид илмий таклиф-тавсияларидан Жиззах вилояти “Истикбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” номли 57-11/78 рақамли амалий лойиҳа ижросида фойдаланилган (Жиззах вилояти “Истикбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2020 йил 5 августдаги 13-сон маълумотномаси). Натижада, таълим тизимида мавжуд муаммоларни инновацион ҳал этишга оид устувор аҳамият бериш керак бўлган вазифалар аниқлаштириб олишга хизмат қилган;

таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш шахс-оила-таълим тизими бирлигини такомиллаштиришнинг стратегик, маданий, ижтимоий ва ташкилий усулларида Жиззах вилояти “Қалб нури” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказининг “Умумтаълим мактабларида кам таъминланган оила фарзандларига бепул IT (Information technologies) курслари ва хорижий тилларни ўргатишни ташкил этиш” номли 24/2810 рақамли амалий грант лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциациясининг 2020 йил 13 ноябрдаги 04-06/141-сон маълумотномаси). Натижада, кам таъминланганлар учун таълимни инновацион ташкил этишда устувор аҳамият бериш керак бўлган вазифалар аниқлаштириб олишга хизмат қилган;

ижтимоий-илмий амалиётда таълимнинг тафаккур, дунёқараш, дунёвийлик ва тараққиётга асосланган ментал хусусиятларини миллий таълим тизимини ўзига хос замонавий кадриятлари билан инновацион уйғунлигини таъминлаш борасидаги таклифлардан “Миллий ғоя:

Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” дарслининг “Миллий ғоя тарғиботининг инновацион технологиялари” номли VIII бобининг 1-параграфи 3.2-банди “Инновациянинг тармоқлар бўйича таснифи”, 2-параграфи 1-банди “Инновацион таълим ва таълим инновациялари тушунчалари”, 2-банди “Миллий ғоя ва тарғиботидаги таълим инновацияларининг турлари” мавзуларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 июндаги 89-03-2207-сон маълумотномаси). Натижада, таълимни инновацион ривожлантириш борасида илмий ёндошувларни такомиллаштириш борасидаги ғояларни асослашга хизмат қилган;

инновацион таълимнинг услубий, технологик, тизимли, функционал, ижтимоий-маданий ва замонавий тенденцияларининг ижтимоий-антропологик жиҳатларига оид таклиф-тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарслигининг 18-боби 3-параграфи “Таълим-тарбиянинг миллий ғоя негизларига асосланиши ҳамда баркамол авлодни тарбиялашда аҳамияти”, 23-боби 4-параграфи “Ёшларда мустақил фикрлаш маданиятини ошириш” деб номланган мавзуларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2786-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда миллий юксалишга асосланган маънавий кадриятларни ривожлантириш, ижтимоий фаоллик ва инновацион ташаббускорлик руҳида тарбиялаш борасидаги ғояларни шакллантиришга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий конференцияларда муҳокама қилинган, жумладан 1 та халқаро 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусига тааллуқли 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (хусусан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқот объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот

натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим тизими инновацион ривожини ўрганишнинг назарий-фалсафий ва методологик асослари”**, деб номланган биринчи бобида инновацияга асосланган таълим тушунчаси илмий-фалсафий категория сифатида ўрганилиб, таълим тизими ва уни ривожлантиришнинг фалсафий концепциялари, таълим соҳасини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари, таълимни инновационлашуви тенденциялари ва уларнинг субстанционал негизлари таҳлил этилган.

Шунингдек, жамиятда таълимнинг генезиси, эволюцияси, ижтимоий табиати ва умуминсоний характери, таълимни инновацион ривожланиб боришининг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, “таълим” ва “инновация” категориялари узвийлигининг ижтимоий-фалсафий таҳлили кўрсатиб берилган. Таълим ва инновациялар уйғунлигининг фалсафий таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий шароитда ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси такомил айнан таълимни инновацион ривожлантириш орқали содир бўлади, бу жараён соҳада фалсафанинг ўзаро алоқадорлик асосидаги қонунлари ва қонуниятлари билан боғлиқ равишда юз беради.

Бобда таълимнинг инновацион ривожланишига қаратилган мазкур илмий муаммо таҳлилида “таълим тизими”, “инновация” тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни уларнинг макон ва замон нуқтаи назарида ўзгарувчан характерга эга эканлиги, уларнинг ҳар бир замонга хос бўлган хусусиятлари ва таърифларини ижтимоий-фалсафий, назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этишга эътибор берилди. Бугунги кунда мавжуд илмий тадқиқотларда таълим тизими ва унинг инновацион ривожланишининг айнан ижтимоий-фалсафий жиҳатдан илмий талқини, уларнинг маданий борлиқдаги намоён бўлиш хусусиятларини фалсафий уйғунликдаги тушунчалари етарли даражада асослаб берилмаган.

Ижтимоий ҳаёт ва маданий борлиқда таълимнинг ривожланганлик даражаси жамият маърифий даражасини асоси ҳисобланади, шунинг учун уни илмий фалсафий моҳияти юқори бўлиб, фақат педагогик жараён билан боғлиқ категория сифатида ёндошув таълим мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда жамият ижтимоий-маданий ҳаётида таълимни инновацион асосда ривожлантиришнинг назарий ва методологик хусусиятларини янада аниқлаштириш зарурияти муҳим ижтимоий-фалсафий муаммо ҳисобланади. Таълим тизимини инновацион асосда ривожланганлик даражасини тизимли-тузилмавий, илмий-фалсафий таҳлил қилиш, тушунчалари мазмунини аниқлаштириш илмий муаммонинг ечимини топишнинг зарурий шартидир.

Таъкидлаш лозимки, таълим-тарбия жараёни турли даврларда ва турли жамиятларда ўз хусусиятини ўзгартириб, макон ва замон нуқтаи назари билан такомиллашиб боради. Ижтимоий ҳаётнинг талаблари, унда яшайдиган инсонларнинг эҳтиёжи билан таълим назарияси ва амалиётида

ўзига хос ривожланиш тенденциялари кузатиладики, бу табиат ва жамиятнинг эволюцион тадрижий ўзгаришлари билан ҳамоҳанг равишда олиб борилади. Ҳар бир тарихий даврда таълим-тарбиянинг мақсади, мазмуни, хусусиятлари ва услубларида ўша давр учун хос бўлган янгиланишлар ва модернизация кузатилади. Шу мазмунда таълимнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб, уни ижтимоий категория сифатида ўрганамиз.

Шу нуқтаи назардан дастлаб биз таълим категориясини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлилига алоҳида тўхталамиз. Таълим “арабча сўздан олинган бўлиб, ўргатиш, ўқитиш, илм бериш, маълумот сўзларидан олинган бўлиб, билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси, илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва кўникмалар мажмуи, билим, тарбия, ахлоқ-одоб, кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув”⁶, маъноларини англатади.

Бизнинг фикримизча, таълим педагог ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро шартномага асосланган таълимий муносабатларга оид бир бутун педагогик жараёнлар, таълим ва тарбиянинг ўзаро боғланган хусусиятларни ўз ичига олган, инсон тараққиётини таъминлашга қаратилган комплекс хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, инсон такомиленинг табиат ва жамият билан боғлиқ жиҳатларини умумий қонуниятларини асосида фаол ва доимий ҳаракатдаги тизим, таълим мазмунини бугунги куни ва истиқболини белгилаб берадиган ташкилий нормаларни ўзида мужассам этадиган ижтимоий воқелиқдир.

Демак, таълим ғоят серқирра ва кенг тармоқли ижтимоий организмдир. Таълим одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий муносабатларнинг ғоявий жиҳатдан таъминотини, замонавий руҳда талқин этганда уларнинг жамиятда инновацион амалиётини рўёбга чиқариш механизмларини ўзида мужассам этади. Бу эса, таълим субъектлари ва маданий борлиқ ўртасидаги умумий алоқадорликка доир қонуниятларга тўла мос келади. С.Лебедевнинг таъкидлашича, “Таълимни фалсафий тушуниш инсон борлиғи ва тафаккур тарзини тасаввур этишнинг жамият ўзгариши ва ривожланиши билан боғлиқ умумий қонуниятларига асосланган билимларни йиғиндисидан иборатдир”⁷.

Мазкур бобда таълим ижтимоий-маданий табиатга эга ўзига хос тизим ҳисобланиши билан биргаликда инсоният маданий тараққиёти мавжудлигининг мезони, индивидларнинг бири-бири билан маърифий мўлжалларга эга бўлган мулоқотининг асоси эканлиги қайд этилди. У кишилар ўртасидаги ижтимоий-маданий муносабатларининг такрор ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёжи асосида шаклланади.

Таълим тизими элементлари, таълим жараёнлари ва ижтимоий ҳаёт ўртасида ўзаро алоқадорликка асосланган қонун ва қонуниятлар доимий мавжуд бўлади, бу жиҳатлар инсон борлигининг мавжудлик ва ҳар доим

⁶Таълим. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Б. 27-28. www.ziyouz.com

⁷ Лебедев С. Проблема истины в естествознании и социально-гуманитарных науках. //Философия социальных и гуманитарных наук: Учебное пособие для вузов. -М.: Академический проект, 2006. - С.11.

тараққиётга мойиллик хусусиятларини белгилаб беради. Мазкур хусусиятлар таълим тизими жараёнларини инновацион асосда ташкил этиш даражаси билан боғлиқдир. Таълим тизимини фалсафий мушоҳада қилиш таълимни инновацион ривожлантириш хусусиятларини ҳам қонуниятларини белгилаб беради. Фалсафа илмида мавжуд бўлган инкорни инкор қонуни таълимни инновацион ривожланишида эскидан мавжуд бўлган жараёнларни инкор қилиб, янги қадриятларни яратиш борасидаги мазмун билан мос келади.

Таълим тизимини фалсафий мушоҳада қилиш, илмий-методологик муносабатларни вужудга келтиришда синергетик ёндошув ҳам муҳимдир. Синергетика таълим тизимини ўзини-ўзи шакллантириши, маълум ўринларда ночизиқли (бир хил эмас) ривожланиш тенденцияларини тушунтиради. Ушбу хусусиятлар жамиятда таълимда плюрилизм жараёнлари, яъни муқобил таълим тизимларининг мавжудлиги, ўқитиш технологияларининг хилма-хиллиги ва инновацион ўзгаришларнинг кўламлилиги билан ҳам боғлиқдир. “Синергетика кишилик жамияти назариялари ва ижтимоий тараққиёт қонунлари амалиётида инсонга яратувчанлик фаоллигини бахш этадиган ижтимоий-фалсафий хусусиятларни ҳам ўзида мужассам этади”⁸.

Таълим шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш қобилиятини рўёбга чиқариб, унинг инновацион дунёқараши, тафаккурини бойтади, инсон ҳаётига ижодкорлик руҳини бахш этади. Таълим жамият ва унинг аъзолари маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ шароитлар, мажбуриятлар ва имкониятлар кўринишида намоён бўлади, ижтимоий жараёнлар ва муносабатларни мустаҳкамловчи, қўллаб-қувватловчи ҳамда мувозанатини сақловчи омилдир. Таълим тизими жамиятда ижтимоий барқарорликни, одамларнинг турмуш тарзини, инсон такомилини қамраб олган мураккаб тизимдир.

Диссертациянинг “Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг қонуниятлари ва ижтимоий-фалсафий хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобида инновацион ёндашув ва модернизацияга асосланган таълим стратегиясининг фалсафий асослари, таълим жараёнини инновацион ривожлантириш тенденциялари ва субстанционал негизлари, таълим тизимида инновацияларни жорий этишда мавжуд муаммолар, салбий омиллар ва уларнинг соҳа барқарор ривожланишига таъсири илмий жиҳатдан ўрганилган.

Шуни таъкидлаш керакки, таълим тизимини инновацион ривожлантириш жараёни ўзида ижтимоий ривожланишнинг сифат босқичига олиб чиқадиган, ўзига хос ижобий ўзгаришлар ва янгиланишларни вужудга келтирадиган мураккаб, бир бутун ва динамик фаолиятини қамраб олади. Таълимдаги инновацион ўзгаришлар – бу тизимли янгича технологиялар, ахборотлаштириш ва янгиликларни яратиш ва жорий этиш,

⁸Сайткосимов А. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. –Тошкент, Тафаккур, 2019 -Б. 135.

тизимни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган жараёнлар орқали инсон салоҳиятини юксалтириш ва пировардида жамият соҳаларида муҳим сифатий ўзгаришлар яшаш демакдир.

Демак, таълим тизимида инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва бу орқали ижтимоий тараққиётни қўллаб-қувватлаш муҳим социал масала ҳисобланади. Таълим тизими билан илм-фан соҳасини ҳам инновацион фаолиятини таъминлаш ўзаро уйғунликдаги ажралмас жараёндир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”**⁹ кўзда тутилган.

Замонавий таълим тизими ижтимоий муҳит шарт-шароитларига боғлиқ равишда, жамият ва инсон эҳтиёжларининг кундан кунга кенгайиб бораётган шароитида трансформациялашган жамият ва унда вужудга келаётган муҳим қонуниятлар билан алоқадор ҳолда такомиллашмоқда. Глобаллашувнинг жадал хусусиятлари эса, таълим тузилмаларига гоҳ салбий, гоҳ ижобий ҳолатда таъсир ўтказмоқда. Бу жараёнда таълим тизими олдида шундай муаммоларни ечишга қаратилган вазифалар пайдо бўлмоқдаки, бу эса, таълим тизимини модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш билан алоқадор долзарб жараёнларни ижтимоий ҳаётда рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда таълим тизимини инновацион ривожлантириш муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа ҳисобланади. Инновациялар таълим тизимида замонавий кўлам бағишлайди, унинг ҳар томонлама ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Х.Абдусатторованинг фикрича, “Инновациялар ишлаб чиқариш соҳасида, иқтисодий, ҳуқуқ ва ижтимоий муносабатлар, фан, маданият, таълим ва бошқа соҳаларга мансуб бўлиши мумкин. Инновацион стратегиялар ишлаб чиқиш учун барча бошқарув поғоналарида янгиликлар киритиш таркибида ижтимоий хизматларни ҳам ҳисобга оладиган талқин тўғририқ бўлади”¹⁰.

Демак, инновация инсон тафаккури ва салоҳияти орқали жамиятнинг маълум соҳасига киритилган янгилик, кашфиёт ва ихтиродир. У ўзининг кўлами, даражаси ва ҳаётий ифодаси бўйича:

- доимий давом этадиган жараён;
- янги амалиёт учун технологик кашфиёт;
- инсон фаолиятининг тўлақонли маҳсули;
- жамият ва инсон фаравонлиги учун қаралиган фаолият;

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

¹⁰ Абдусатторова Х. Инновацион стратегия. -Тошкент: Tafakkur bostoni, 2012. –Б. 15.

- ишлаб чиқариш ёки ижтимоий фаолиятни янги сифат даражаси;
- илмий жараён ва амалий фаолиятнинг уйғунлигини ифодалайдиган феномен.

Жамиятни модернизациялаш шароитида таълим тизимини инновацион ривожлантириш муҳим роль ўйнайди, бу жараёни янада жадаллаштиради. Мазкур шароитида фан ва технологиялар муҳим ўрин тутадиган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Америкалик олим Н.Смелзернинг таъкидлашича, “модернизация ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ўзгаришларни ўз ичига оладиган мураккаб ҳолат бўлиб, жамиятдаги саноатлаштириш жараёнлари ҳамда фан-техника ютуқларининг самарали ўзлаштирилиши натижасида содир бўлади”¹¹.

Таълим тизимини ҳам инновацион ривожлантириш унинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Инновациялар таълимни ўзини-ўзи ривожлантириш, юқори даражада ва сифатли билим олиш орқали самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Таълим жараёнининг табиий асосда, яъни ҳар ички ва ташқи салбий таъсирлардан холи бўлиши унинг самарали, замонавий ва инновацион асосда ривожланишга бўлган шарт-шароитларини таъминлаб беради. Таълим жараёнини инновацион асосда ривожланиши унинг жамиятга янада ижтимоийлашуви, янгиликлар ва ислохотларни амалга оширишда илғор соҳа сифатида мавжуд бўлиши каби ижтимоий қадриятларни ўзида мужассам этишига шароит яратади.

Жиззах вилоятида олий таълим муассасаларида ёшлар ўртасида таълим-тарбия жараёнини инновацион ташкил этиш борасида социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда берилган “Ҳозирги шароитда вилоят олий таълим муассасаларида талабаларни замонавий инновацион фикрлаши, тафаккури ва дунёқарашини қандай баҳолайсиз?”, деган саволга иштирок этган талабаларнинг 45 фоизи “яхши” деб жавоб берган. Шунингдек, 29 фоиз иштирокчилар уни “ўртача даражада” деб белгилаган, 26 фоиз иштирокчилар эса, бугунги кунда “ёмон ҳолатда” деган хулоса берган. Мазкур натижадан кўриниб турибдики, иштирокчиларнинг 55 фоизи мазкур саволга қониқарсиз оҳангда жавоб берганликларини кўришимиз мумкин¹².

Таълим жараёни субъектларининг инновацион қобилият даражалари уларнинг замонавий тараққиёт ва ўзгаришлар кўламига жавоб бера оладиган сифат кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқдир. Мазкур кўрсаткичлар замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб янги инновацион ғоялар бера оладиган, уни ҳаётга жорий эта оладиган, фикрлар хилма-хиллиги билан ишлайдиган ва истиқболга аниқ мўлжаллари мавжуд бўлган инновацион инсонда кўринади. Бу хусусиятлар жамиятда шахсга ижодий муҳит учун яратилиб бериладиган ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар, турли-туман муқобил ғоялар ва танлов эркинлиги шароитида юзага чиқади.

¹¹N.Smelser.Sociology.New-Jersey.Prentice Hall. 1988

¹²Жиззах вилоят “Истиқбол” Минтақавий тадқиқот маркази материаллари//ЖДПИ: МТМ. Жиззах, 2020.

Диссертациянинг учинчи боби “**Таълим тизимини инновацион ривожлантиришни таъминлашнинг тизимлари ва механизмлари**” деб номланиб, унда таълим соҳасини барқарор ривожлантиришда инновацион технологиялар, услублар ва воситалар, таълим тизими соҳалари ва инфратузилмаларини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари ёритилган.

Таъкидлаш лозимки, таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим муаммоларидан бири – методология ва услублар муаммосидир. Унинг ҳал этилиши таълимда янги натижалар ва хулосаларни олиш ҳамда амалий фаолиятга қўллаш имконини беради. Шу билан бирга, бу анчагина мураккаб муаммо бўлиб, у ўз ўрнида таълим жараёнларини ўрганиш ва ташкил этишни амалга оширади. Услублар ва технологияларга таълим тараққиётининг истиқболини аниқлаш, унда инсоний кучларни фаоллаштириш ва турли ресурслардан фойдаланиш учун мурожаат қилинади. “Таълим методикаси” эса таълим тизими фаолиятини олиб бориш ва ташкил этишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди. Метод (услуб) грекчада *methodos* – мақсадга эришиш усули маъносини беради.

Бизнинг фикримизча, услублар деб, маълум жараённи турли хил жиҳатларини ўзида қамраб олган мураккаб билиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган тамойил, усул, қоида ва талаблар тизимига айтилади. У объектни кенг қамровли ўрганиш мақсадида назариядан келиб чиқадиган шартли қоидалар тизимидан иборат. Таълим методлари таълим тизими моҳияти, мазмуни ва тамойилларини ўзида акс эттириб, жараённинг бирон-бир йўналиши, ўзига хослиги ва қонуниятлари билан мувофиқлашади.

Шу асосда, таълим тизими – жамиятда маърифий вазифани бажаришга қаратилган яхлит ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг таркиби таълим жараённинг объектлари ва субъектлари, шакл-усуллари, улар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро таъсирлар, уларни тадқиқ этишдан иборат. Технологик ва услубий ишлар таълим фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жараёнлари сифатида кенг тушунчалардир. Уларнинг ҳар бири маълум қисмлардан тузилган тизим ҳисобланади. Таълим соҳаси ўзининг бутун жараёнлари даврида технологик ва услубий ишларнинг янада мукамалроқ ва янада самаралироқ тизимини излаш билан ривожланиб боради.

Таълим тизимида методларининг қўллаш зарурияти қуйидагича:

- таълим ва тарбияни амалга ошириш жараёнида мутасаддилар томониндан мақсадларга эришишнинг оқилона, қулай ва самарали усулларни қўллаш зарурияти;

- таълим жараёнларини бошқаришнинг фойдали ва тежамкор усулларини қўллаш зарурияти;

- таълимда у ёки бу жараённинг оғир ва кескин “нуқталари”ни, босқичларини аниқ белгилаш имкониятининг мавжудлиги;

- вазиятни назорат қилиш, таълимни бошқариш ҳамда муаммонинг ечимига хизмат қиладиган самарали ва фойдали ҳаракатларни амалга ошириш имкониятининг пайдо бўлиши;

- таълим жараёнлари субъектларининг ўзаро муносабатларини барқарорлаштириш зарурати, бунда томонлар ўз ҳатти-ҳаракатларнинг илғор усулларини тез орада ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Таълим технологиялари – тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда таълим воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, изланиш ва ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуидир. Бундай усул ва методларни ишлаб чиқиш таълим назарияси, амалиёти ва методикасининг вазифасидир. Хуллас, таълимда технологиялар – таълим усули, маълум маънода таълим жараёнлари воситалари, шакл ва методлари мажмуидир.

Таълимда технологиянинг асосий тавсифи сифатида унинг тизимлилиги, илмийлиги, қайта тикланувчанлиги, қўшилувчилиги, самарадорлиги, сифат ва мотивлашганлиги, ахборотлилиги, янги шароитга кўчириш мумкинлиги каби жиҳатларига эътибор қаратилади. Таълим технологиялари тизимли равишда мантиқий асосланган таълим жараёнини амалга оширувчи ва юқори даражада самарадорлик, ишчанлик, кафолатга эга натижаларга молик фаолиятдир. Ҳар томонлама асосланган натижаларни жорий этиш таълим технологияларини бойитади, унинг самарадорлигини таъминлайди. Академик Патон таъбири билан айтганда, “натижа технологияга жорий қилинсагина жамиятга хизмат қила бошлайди”.

Таълим жараёнларини лойиҳалаш ҳам таълим фаолиятни ташкил этиш ва олиб боришда муҳим жараён саналади, унинг самараси ва натижавийлигини таъминлайди. Бу жараённинг моҳияти таълим фаолиятини мазмунини белгилаш ва таҳлил қилиш, натижаларни олдиндан кўра билиш, режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифаларни ўз ичига олади. Лойиҳалаш таълим жараёнининг ижтимоий, сиёсий ва бошқа мақсадларига таянган ҳолда, таълим жараёнини акс этиррувчи умумий стратегия ҳисобланади. Лойиҳаларда таълим вазияти ва унинг ҳолатини тўғри англаш ҳамда вазифаларни тўғри белгиланиши таълим жараёнларни самарали бўлишини муҳим шартдир.

ХУЛОСА

Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини илмий тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Жаҳонда глобаллашув даврида жамиятнинг барча тизимлари қаторида таълим тизимида модернизация ва инновацион ривожланиш кузатилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимининг жаҳон таълим маконига

жадал интеграциялашуви кузатилмоқда. Жамиятимиз таълим соҳасининг маънавий, ахлоқий, инсонпарварлик тамойиллари, унинг салоҳияти ва ривожланишга бўлган лаёқати жаҳон таълим маконида ўз ўрнини юксалтиришга муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизда мавжуд маънавий ва маърифий ресурслар, инсон дунёқараши ва тафаккури, маданий-тарихий анъаналарнинг салмоқли эканлиги таълимнинг жаҳоний кўламини кенгайтиришни таъминламоқда.

2. Таълимнинг чуқур ижтимоий-фалсафий мазмунга эгаллиги жамиятда дунёқарашга оид, интегратор ва методологик масалаларни ҳал этади. Таълимнинг мақсади ҳам жамиятда эркин, танқидий фикрлайдиган инсонни тарбиялаш, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги каби демократик қадриятларни жамиятда чуқур рўёбга чиқишини таъминлашга ҳисса қўшиш, ўз миллий қадриятларини чуқур ҳурмат қилган ҳолда умумэътироф этилган инсонпарварлик тамойилларини ҳаётий амалиётини таъминлаш, ижтимоий фаол, ватанпарвар, бағрикенглик ғоялари билан суғорилган инновацион инсонни тарбиялашга ҳисса қўшади.

3. Глобаллашув даврида интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви, ахборотлашган жамият кўламининг кенгайтириши, рақамли иқтисодиётнинг вужудга келганлиги таълим тизимини инновацион ривожланиш эҳтиёжига туртки берди. Бугунги техник ва технологик тамаддун шароитида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишда эскирган услублардан фойдаланиш жамиятнинг ҳар томонлама тараққиёти учун самара бермаяпти. Шунинг учун таълим тизимини янгича, инновацион асосда ривожлантириш, унга янгича замонавий қиёфа беришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини таҳлил этиш эҳтиёжи сезилди.

4. Замонавий шароитда жаҳонда ривожланган давлатлардаги амал қилинаётган таълим соҳасини ривожлантириш, унинг инновацион ривожини амалга ошириш борасида мавжуд ҳамма хусусиятларни тан олган ҳолда бизнинг мамлакатимизда ҳам таълимни инновационлаштириш жамият маданий тамаддуни ва инсон фаровонлигини таъминлашда оламшумул ўринга эга. Шунини таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жамиятга реал фойда берадиган инновацион инсонни тарбиялаш, инсон капиталини ривожлантириш таълим соҳасини ривожлантириш орқали таъминланади.

5. Таълим тизимини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш мураккаб ва зиддиятли жараён. Инновацион технологияларни таълим тизимида қўллаш таълимнинг ишлаб чиқариш билан узвий алоқасини таъминлайди, янги билимлар орқали илмий кашфиётлар яратилади, натижада жамият фаровонлашади. Таълим тизимида инновацион технологияларни қўллаш, масофадан таълим тизимига ўтиш, соҳа инфратузилмаларини модернизациялаш, аудитория жиҳозларни доимий янгиланган бориш вақтни ва маблағни тежаш, замонавий технологияларни тўлиқ ўзлаштириш орқали жадал янгиликлар яратишга имкон яратади.

6. Таълим тизимида инновацияларни жорий этишда илмий ва технологик инфратузилмаларни кенгайтириш зарур. Таълим тизимида бундай юқори самарали инновацион тузилмаларни яратишда баъзи муаммолар мавжуд. Мазкур муаммоларни бартараф этиш, таълим тизимини жаҳон стандартлари доирасида модернизация қилиш, кадрлар инновацион салоҳиятини тубдан ошириш, таълимни жамиятни жадал ривожлантириш омилига тўлиқ айлантириш борасида ислохотлар кўламини янада кенгайтириш муҳим натижа беради.

7. Мамлакатимизда таълим тизимини барча тузилмаларида модернизация ва инновацион жараёнлар жадал ташкил этилаётган бир шароитда, жойларда уни тўлиқ ҳаётий амалиётида баъзи камчиликлар мавжудлиги сезилмоқда. Мавжуд ҳолат, жойларда таълим тизимининг барча босқичлари ва тузилмаларида инновацион ўзгаришларга бўлган муносабатни оширишни, кечаги кундан мерос қолган ижодий пассивлик ва ижтимоий боқимандалик вазиятларини йўқотиб, замонавий фикрлайдиган авлодни тарбиялаш тақоза этилади.

Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини илмий тадқиқ этиш ва жамиятда ижтимоий тараққиётни таъминлашга қаратилган масалаларни илмий таҳлил этиш яқунлари бўйича ушбу амалий таклифлар илгари сурилди:

1) таълим тизимини инновацион ривожлантириш бўйича жараёнларни самарадор ташкил этиш учун “таълим-фан-инновация” тизими бўйича ҳаракат дастури ишлаб чиқиш, унинг амалиёти бўйича замонавий инновацион механизмларини жорий этиш;

2) таълим тизими фаолиятининг мазмуни ва сифатини оширишда таълим бошқаруви жараёнларини давлат, жамият, бизнеснинг стратегик ҳамкорлиги асосида қайта ташкил этиш, олий таълим муассасалари қошида алоҳида штат тузилмаларига эга бўлган “илмий-инновацион тадқиқот марказлари”ни тузиш;

3) олий таълим тизимида кластерли тизимини ташкил этиш, олий ўқув юртлари қошида умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, технопарклар, IT парклар, табиий ва техник фанлар билан боғлиқ инновацион ишлаб чиқариш лабораториялари ташкил этиш ва кашф этилган илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш;

4) фан ва амалиёт узвийлигини доимий таъминлаш асосида олий таълим муассасалари қошида ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналари, илмий-инновацион фирмалар ташкил этиш, фойда олиш шарти билан олийгоҳлар маблағлари ёки банк муассасаларидан 5 фоизли имтиёзли кредитлар олиш ҳисобига маҳсулот яратиш ва сотиш чора-тадбирларини йўлга қўйиш;

5) олий таълим ва илм-фан муассасаларида ишлаб чиқилган янги ғоялар, инновацион ишланмалардан фойда олиш, тижоратлаштириш ва илмий ходимларни рағбатлантириш, меъёрий қонунчиликни ривожлантириш

мақсадида “Инновацион ишланмаларни рағбатлаштириш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

б) ҳудудий миқёсда олий ўқув юртлирини инновацион асосда ривожлантириш мақсадида жойлардаги олийгоҳлар қошида табиий ва гуманитар соҳаларга мўлжалланган илмий-тадқиқот институтлари, ўқув-илмий-инновацион мажмуалар (ЎИИМ), инновацион бизнес-инкубатор, илмий кенгашлар ва уларга мос равишда илмий журналлар ташкил этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМУ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АЛИБЕКОВ ДАВРОН АБДУРАКИБОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ
ОБРАЗОВАНИЯ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2. PhD/Fal459ю

Диссертация выполнена в Джизакском педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета (www.samdu.uz) а также в информационно-ресурсный портал "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Саиткасимов Акбар Исаханович доктор философских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Яздонов Улугбек Тошмуродович доктор философских наук, доцент Юлдашев Рустам Даниёрович доктор философии (PhD)
Ведущая организация:	Узбекский государственный университет мировых языков

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ___ часов «___» _____ 2021 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ____). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2021г.)

Ш.Ш.Негматова

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н. доцент

А.Р.Самадов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертации. В процессе глобализации, возникшей в мире, требует интеграции образования, науки и просвещения. В этом процессе значимые результаты инновационных знаний и технологий, положительно влияет на благополучие общества и человека. В частности, образование как важный социальный институт демонстрирует необходимость создания инновационной модели развития в мировом сообществе XXI века, которая способствует созданию благоприятной системы, тенденций развития, глубокой социализации человека и оснащения экономических процессов необходимыми знаниями.

В мировой науке в последние годы проводятся научно-теоретические исследования для дальнейшего развития системы образования. В частности, большое значение приобретают исследования по модернизации системы образования и социально-философские факторы ее развития, технологий, инновационного развития. Особенно, сегодня изменения в мировой экономике вызывают острую необходимость в модернизации системы образования. С этой точки зрения проблема комплексной реформы системы образования и ее институтов, создание новых качественных уровней человеческого капитала в ее основе и превращение его в явление с высоким положительным влиянием на масштабы социального развития общества становится объектом исследования научного сообщества.

На основе реформ, проводимых во всех отраслях в нашей стране особое место, занимает развитие системы образования. «Поскольку мы стремимся превратить Узбекистан в развитую страну, и сможем достичь ее, только проводя ускоренные реформы, опираясь на науку, просвещение и инновации. Для этого нам прежде всего необходимо воспитать кадры новой формации, выступающие инициаторами реформ, обладающие стратегическим видением, глубокими знаниями и высокой квалификацией. Именно поэтому мы начали реформирование всех звеньев образования - от дошкольного до высшего»¹³. С этой точки зрения, в интеграции системы образования в мировое образовательное пространство в нашей стране возникает необходимость исследования технологий, методов и средств поддержки высокого духовного и интеллектуального потенциала, который существует в нашем обществе долгое время и совершенствуется за счет реформ, для повышения его роли в формировании новых современных инновационных процессов будущего.

Данная диссертация в определенной степени служит для обеспечения практического выполнения задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 07 февраля 2017 года, №УП-5544 «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25 январь №19 (7521).

2019-2021 годы” от 21 сентября 2018 года, №УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, №УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года и других нормативно-правовых документах относительно темы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетному направлению развития науки и технологий республики: I. “Пути формирования и реализации системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информатизированного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Первые философские взгляды на образование нашли отражение в трудах Аристотеля и Платона, а затем были продолжены в трудах таких ученых, как Г. Гегель¹⁴ В. Гумбольдт, И. Кант и Дж. Руссо.

Мысли о роли образования в общественной жизни, духовности и просвещении общества нашли отражение во взглядах таких средневековых мыслителей и политиков Центральной Азии как Абу Райхан Беруни, Захириддин Бабур, Махмуд Кашгари, Алишер Навои, Низамулмулк, Ибн Сино, Фароби, Юсуф Хас Хаджиб.

